РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЭРНАЕВА ГУЛАСАЛ ҲАЗРАТОВНА

ТАЭКВОНДОЧИЛАРДА МУСОБАҚА ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА КУЗАТИЛАДИГАН ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРГА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

19.00.04 –Тиббий психология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

УЎТ: 616.89:159.9:796.859

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Эрнаева Гуласал Ҳазратовна
Таэквондочиларда мусобақа олди тайёргарлик
босқичида кузатиладиган психоэмоционал
ўзгаришлар ва уларга тиббий-психологик
ёрдам тамойилларини такомиллаштириш..... 3

Эрнаева Гуласал Хазратовна
Наблюдение психоэмоционального изменения
у таэквондистов в предсоревновательном
периоде и формирования принципов
медико-психологической помощ..... 27

Ernayeva Gulasal Khazratovna
Monitoring of psychoemotional changes
in taekwandisis in pre-testing period and
formation of principles of medical-
psychological assistant..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 57

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЭРНАЕВА ГУЛАСАЛ ҲАЗРАТОВНА

ТАЭКВОНДОЧИЛАРДА МУСОБАҚА ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА КУЗАТИЛАДИГАН ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРГА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

19.00.04 –Тиббий психология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2600 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sportmed.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Саттаров Тимур Фархадович** тиббиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Алимов Улуғбек Худоярович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Ибодуллаев Зарифбой Ражабович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «22» апрел соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент ш, Шайхонтохур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. 3-қават мажлислар жали). Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент ш, Шайхонтохур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. 3-қават мажлислар жали). Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Диссертация автореферати 2025 йил «01» апрел да тарқатилди.

(2025 йил «01» апрел даги 21 рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Мавлянов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Э.Махмудов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.А.Хаджиметов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда психоэмоционал бузилишлар умумий популяциянинг меҳнатга лаёқатли ёшига тўғри келган, энг кенг тарқалган психопатологиялардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларига кўра «… спортчилар орасида хавотрли бузилишларнинг тарқалиши 11-25%, депрессив бузилишлар эса 5%дан 32%гача аниқланган»[1]. Ёзги олимпия спорт турлари халқаро федерациялари ассоциацияси (The Association of Summer Olympic International Federations) бўйича спорт фаолиятини инсон саломатлигига фойдали бўлишига қарамай, мусобақа олди ҳолатида психоэмоционал бузилишларга ҳам сабаб бўлаётгани аниқланган. Спортчиларда хавотирли бузилишлар кўпинча руҳий босим туфайли келиб чиқса, депрессив бузилишлар эса жароҳатлар, мағлубиятлар ва сурункали чарчоқ сабабли ривожланади. Бу эса спортчиларнинг натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Спортчилар рухий саломатлигини сақлаш, мусобақа олди ижобий эмоционал сферани таъминлаш ва базавий жанговар ҳолатга келишига тиббий-психологик ёрдам бериш спорт тиббиёти олдида турган ҳали қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон миқёсида ёш спортчиларнинг юқори спорт натижаларига эришиши, уларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигини сақлаш, спортчилар орасида турли соматик ва руҳий патологияларни диагностика қилиш, даволаш ва профилактика чораларига қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Спорт билан шуғулланмайдиган ҳамда турли хил спорт билан шуғулланадиган спортчилар орасидаги психоэмоционал сфераси тубдан фарқ қилади. Спортчиларда кузатиладиган касалликларни эрта ташҳислаш, самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳамда жисмоний ва руҳий саломатлигини яхшилаш орқали спорт натижаларини янги поғоналарга кўтариш мумкин. Замонавий илмий тадқиқотларда турли психоэмоционал бузилишларга олиб келивчи омиллар профилактикасини ўрганган ҳолда жаҳон миқёсидаги спортчиларнинг тайёргарлигини баҳоловчи ишлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу борада ҳар бир спортчининг руҳий ҳолатига эътибор бериш, мусобақа олди тайёргарлик давридан психодиагностик текширувларни олиб бориш, аниқланган психоэмоционал бузилишларни самарали психокоррекция қилишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари таълабларига мослаштириш, жумладан спортчиларнинг юқори спорт натижаларига эришиши, улар саломатлигини мустаҳкамлаш ва кўрсатилаётган тиббий ҳизмат сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

[1] Reardon, C. L., & Factor, R. M. (2015). *Sports Medicine*.

кўтаришда бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилиш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, спортчиларнинг мусобақа олди психоэмоционал сферасини баҳолаш ва аниқланган психопатологик ўзгаришларда тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «ЎзР жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-5281-сон «2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги қарори, Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 118-сон қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб изланишлари натижасида спортчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида руҳий саломатлигини текшириш ва яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Европада ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан амалий соғлом ҳисобланган спортчиларда ҳам эмоционал ностабиллик, невротик реакциялар аниқланганлиги (L.D.Naismith; 2004); Германия таэквондо спорт клубларида депрессия ва хавотир ҳолатининг ўзаро боғлиқлигини (A.Junge; 2018) ва юқори малакали таэквоночиларда карьера пайтида ва карьерадан сўнг фрустрациянинг учрашини аниқланганлиги (B.Prinz; 2016); енгил бош мия жароҳати олган спортчиларнинг турли тикланиш даврларда стресснинг психологик ва физиологик маркерларини боғлиқлиги (L.Mainwaring; 2017); спортчиларда ёмон уйқу умумий саломатликнинг ёмонлашиши, стресснинг ошиши ва паришонхотирлик билан боғлиқлиги аниқланганлиги (M.Biggins; 2018) юзасидан тадқиқотлар ўтказилган.

МДҲ давлатлари олимлари томонидан эса қуйидаги тадқиқотлар ўтказилган: соматоформ бузилишлар кўпроқ якка кураш тури билан шуғулланувчи аёл спортчиларда (умумий касалликларнинг 1-2% ини ташкил этади), эркак спортчиларда эса агрессия ва тарқоқ хавотирли бузилишлар

(касалликларнинг 3-14% ни ташкил этади) кузатилишини (М.А.Асимов; 2002); спортчиларнинг ҳиссиёт жабҳаларида кучли силжишлар аниқланганлигини (Ю.А. Александровский; 2016), чегаравий нерв-психик ҳолатлари кўз ҳаракатларини фиксацияси билан кўриш тестлари ва ЭЭГ ёрдамида ташҳис ўтказишни (А.М.Гонопольский; 2013), Лесгафт Университети талабаларидаги психоэмоционал невротик бузилишларнинг учраши (А.А.Бакин, 2016), Қозоғистонда эмоционал бузилишларни турли этник гуруҳларда тарқалганлигини (К.Т.Сарсенбаев; 2009), юқори малакали спортчиларда социал фобия тарқалганлиги (Б.Б.Жарбусынова; 2011) каби тадқиқотлар ўтказилган.

Ўзбекистон олимлари иштирокида қуйидаги илмий тадқиқотлардан натижалар олинган: замонавий спортда стресс ва ҳавотирнинг спортчиларнинг муваффақиятига таъсирини (С.А.Болтобаев, 2020); спортчиларнинг маҳоратини ошириш учун гипноснинг қўлланилиши (А.С.Бегматов, 2018); спортчи қизларнинг тиббий-педагогик назорат қилиш учун дастурларни такомиллаштириш ва уларни таққосий тавсифлари (У.А.Халикова; 2017); каратэчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигининг клиник ва психологик детерменантлари (К.Г.Атабекова; 2001); ёшлардаги хавотирли ҳолатларнинг уларнинг ижтимоий шахслараро муносабатларидаги ўрни (Ш.Т.Алимбаева; 2015); мусобақаларга тайёрланиш босқичларида эшкак эшувчи спортчиларнинг тиббий-психологик таъминланишининг ўзига хослиги (Н.Ш.Усмоналиева; 2021); футболчиларда стресс билан боғлиқ невротик бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили ва профилактикаси (Г.Д.Тешабаева 2021) га бағишланган тадқиқотлар ўтказилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, илмий адабиётлар базасининг ҳозирги ҳолати ва энг муҳим ишланмалари ҳанузгача чуқур, кенг қамровли илмий таҳлил қилишни талаб қилади. Айтиш мумкинки, спортчиларда учрайдиган руҳий бузилишларнинг ўрганилганлик даражаси улардаги бошқа соматик касалликларга қараганда анча кам. Психоэмоционал бузилишлар оддий популяция орасида кўп ўрганилган, лекин спортчиларнинг мусобақадан олдинги эмоционал ўзгаришларига, руҳий саломатлигига бағишланган илмий ишлар саноқли. Шунга кўра, спортдаги натижадорликни ошириш, старт олди жанговар ҳолатига психологик тайёрлаш ва спортчиларнинг руҳий саломатлигини яхшилаш спорт тиббиётида долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928597 “Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таэквондочиларда мусобақадан олдинги тайёргарлик босқичида кузатиладиган психоэмоционал бузилишларни

аниқлаш ва тиббий-психологик ёрдамни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таэквондочиларда шахс типологияси ва психоэмоционал бузилишларни аниқлаш;

таэквондочиларда тиббий, психологик ва вегетатив кўрсаткичларни психоэмоционал бузилишлар билан боғлиқлигини баҳолаш;

таэквондочиларда психоэмоционал бузилишларни когнитив сфера ўзгаришлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

психоэмоционал бузилишларда психокоррекция усулларини қўллашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таэквондочиларда мусобақа олди тайёргарлик босқичида кузатиладиган психоэмоционал ўзгаришлар ва уларга тиббий-психологик ёрдам тамойилларини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, Таэквондо федерациясида шуғулланиб келаётган 64 нафар миллий терма жамоа ва заҳира жамоаси спортчилари, ҳамда психоэмоционал бузилишлар психодиагностик фарқни баҳолаш учун 30 нафар Ўзбекистон Миллий Университети Таэквондо ва спорт факультети хаваскор спортчи талабалари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спортчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичидаги анамнестик, клиник-психологик тавсифи, ҳисобланган экспериментал-психологик, лаборатор усулларнинг натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник-психопатологик, тиббий-психологик анкета, эксперимантал-психологик тестлар, умумий ва биокимёвий қон таҳлили ҳамда статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стресс билан боғлиқ психоэмоционал бузилишлари бўлган таэквондочиларни шахс стериотипига кўра терма жамоа спортчиларида экстраверт, заҳира жамоаси спортчиларида эса интроветлар ташкил қилган бўлиб, мусобақа олди ҳолатида асосан интроверт спортчиларда невротизация бузилишлари аниқланган;

илк бор таэквондочиларида психоэмоционал бузилишларнинг клиник структураси мусобақа олди ҳолатида стрессга чидамлиликнинг пастлиги, шахс стериоптипининг интровертлиги, невротизация даражасининг юқорилиги ва когнитив сферанинг тарқоқлиги ўтказилган психометрия асосида исботланган;

психоэмоционал бузилишлар негизида спортчи учун аслида хавфли бўлмаган вазиятлар ва объектлар сабабли пайдо бўладиган хавотир, агрессия ва фрустрация, бошқа эмоционал бузилишларга қараганда яққол намоён бўлиши, сурункали тус олиши ва турғунлиги психоэмоционал бузилишлар шаклланишида ва клиник кечишида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган;

спортчиларда психоэмоционал бузилишларни коррекция қилишда такомиллаштирилган рационал-эмотив ҳулқ-атвор психотерапияси шахс типологияси, вегетатив система ўзгаришлари, стрессга турғунлик ва когнитив сфера концентрациясига асосланган ҳолда олиб борилган (интровертлар учун шахс хусусиятларини фаоллаштирувчи, экстравертлар учун мўътадиллаштирувчи) психокоррекциянинг юқори даражадаги самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

психоэмоционал бузилишларни шаклланишида шахс типологиясининг ўзига хослиги ва аҳамияти тўлиқ асосланган ва психоэмоционал бузилишларни клиник баҳоловчи, қисқа муддатда битта сўровномада жамланган уч хил эмоционал сфера бузилишларини экспресс диагностика қилувчи сўровнома ишлаб чиқилган;

таэквондочиларда индивидуал равишда қўлланилган психокоррекцияни психоэмоционал стресс профилактикаси, стрессга қарши иммунитетни шакллантириш ва эмоцияни тўғри бошқариш асосидаги алгоритм ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишининг назарий ёндошилганлиги, объектлар сонининг етарлилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилигини, замонавий методлардан фойдаланганлиги, умумклиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий илмий ишлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги хамда натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, клиник анамнестик, психометрик, функционал ва вегетатив ҳолатни аниқлаш натижасида олинган илмий асосланган натижалар асосида психоэмоционал бузилишлари бор спортчиларни мусобақа олди ҳолатидан эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек, асосланган психокоррекция усули спортчиларнинг психоэмоционал сферасини ўрганишга доир тиббий психология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий хулосалар психоэмоционал бузилишларнинг психологик структурасини ўрганишда ва самарадорлиги илмий асосланган рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асосидаги психотерапиядан комплекс тарзда фойдаланиш эмоционал, когнитив ва вегетатив бузилишларни самарали психокоррекция, психореабилитация қилиш орқали спортчиларнинг мусобақа олди руҳий ҳолатини тикланиши, жанговар ҳолатга келиши ва ҳаёт сифатининг яхшилинишига имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази эксперт кенгашининг 2024 йил 25 мартдаги 8-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни Ўзбекистон велосипед спорти, Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига жорий қилинди, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг 2024 йил 27 февралдаги IT 6-сонли ва 2024 йил 27 февралдаги IT-7-сонли хати юборилган):
биринчи илмий янгилик: стресс билан боғлиқ психоэмоционал бузилишлари бўлган таэквондочиларни шахс стериотипига кўра терма жамоа спортчиларида экстраверт, заҳира жамоаси спортчиларида эса интроветлар ташкил қилган бўлиб, мусобақа олди ҳолатида асосан интроверт спортчиларда невротизация бузилишлари аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: мусобақага психологик тайёргарлик кўришда спортчи психоэмоционал сферасига баҳо бериб ёндошилса мусобақаларга тактик, техник ва психологик тайёргарлик кўриш вақтини қисқартиради ва юқори натижаларга эришиш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг 2024-йил 14- мартдаги №21-сонли буйруғи ва Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг 2024-йил 15-мартдаги 23 -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: психоэмоционал бузилишларнинг асосини хавотир, агрессия, стресс, фрустрацион эмоционал ўзгаришлар ва диққат концентрациясининг бузилиши ташкил қилиши аниқланиши спортчиларни мусобақа олди руҳий толиқиши, зўриқиши, руҳиятнинг патология олди ҳолати ва вақтинчалик спорт машғулотларига лаёқатсизлигини олдини олишга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ҳар бир спортчининг машғулотлари учун (озиқ-овқат, турар жой, спорт анжомлари, ўқув-машғулот йиғинлари ва мусобақаларни ўтказиш харажатлари) бюджетдан ойига 3100000 сўм ажратилади. Агар спортчи мусобақаларда спорт натижаларини кўрсатмаса, молиявий сармоя ўзини оқламайди. Тежалган иқтисодий харажатлар умумий ҳисобда ҳар бир спортчининг мусобақада муваффақиятли иштирок этишида, иқтисодий самарадорлик 3100000 сўмни ташкил қилади. Спортчилар психоэмоционал сферасини баҳолаш учун деярли молиявий ҳаражатлар талаб этилмайди, чунки ҳар бир федерацияда спорт психологлари фаолият юритади. Хулоса: спортчиларни мусобақа олди психоэмоционал бузилишларини аниқлашда шахс темпераменти инобатга олинса ва тўғри тақсимланса спортчини руҳий ҳолатига, мусобақаларга психологик тайёргарлик кўриш вақти ва спорт машғулотларига сарфланадиган бюджет маблағларини қисқартириш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: илк бор таэквондочиларида психоэмоционал бузилишларнинг клиник структураси мусобақа олди ҳолатида стрессга чидамлиликнинг пастлиги, шахс стериоптипининг интровертлиги, невротизация даражасининг юқорилиги ва когнитив сферанинг тарқоқлиги ўтказилган психометрия асосида исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: спортчилар руҳиятининг жисмоний юкламаларга адекват мослашувини баҳолаш асосида мусобақа олди психоэмоционал сферасининг ноадекватлиги ва дезадаптация ҳолати белгисини тахмин қилиш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг 2024-йил 14- мартдаги №21-сонли буйруғи ва Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг 2024-йил 15-мартдаги 23 -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: спортчиларнинг психоэмоционал бузилишларини аниқлаш, эрта ва тўғри психодиагностикани амалга оширишга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: спорт машғулотларига лаёқатсизлигининг давомийлиги ҳар бир спортчига ўртача 7 кун, вақтинчалик спорт машғулотларига лаёқатсизлик нафақасининг ўртача миқдори кунига 200000 сўмни ташкил этади. Бинобарин, ўта чарчаш, ўта зўриқиш ва организмнинг патология олди ҳолатининг ўз вақтида олдини олишнинг ҳар бир ҳолатида 1400000 сўм маблағни тежаш имконини беради. Хулоса: спортчиларнинг руҳиятида психоэмоционал бузилишларнинг эрта босқичларда аниқлаш соматикадаги ва руҳиятдаги функционал ва физиологик касалликларнинг олдини олиш, спорт машғулотларига лаёқатсизлик кунларини камайтириш ва натижада бюджет маблағларини тежаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: илк бор таэквондочиларида психоэмоционал бузилишларнинг клиник структураси мусобақа олди ҳолатида стрессга чидамлиликнинг пастлиги, шахс стериоптипининг интровертлиги, невротизация даражасининг юқорилиги ва когнитив сферанинг тарқоқлиги ўтказилган психометрия асосида исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: спортчиларни мусобақа олди тайёргарлик босқичида психологик портретини комплекс ўрганишда когнитив сфера, вегетатив система ўзгаришларини биргаликда баҳолаш психоэмоционал бузилишларни тўғри психодиагностика қилишга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг 2024-йил 14- мартдаги №21-сонли ҳулосаси ва Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг 2024-йил 15-мартдаги 23 -сонли ҳулосасига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида спортчиларнинг тиббий психологик хусусиятларини ва психоэмоционал бузилишларнинг даражаларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув спортнинг энг юқори шаклига тез эришиш ва мусобақаларда муваффақиятли қатнашишига ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: шундан иборатки, психоэмоционал

бузилишларнинг даражаларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал машғулот режими билан психоперапия сеанслар сони аниқланади. Спортчиларни қўшимча реабилитация қилиш учун давлат бюджетидан ҳар бир спортчига йилига ўртача 863156 сўм маблағ сарфланиши аниқланди. Хулоса: спортчиларнинг когнитив ва вегетатив системасини ўрганган ҳолда психоэмоционал бузилишларнинг даражаларини аниқлаш орқали уларнинг мусобақага психологик тайёргарлигини баҳолашимиз мумкин. Бу уларни руҳий, тактик, техник тайёргарлик даражасини оширишга ва ҳар бир спортчи учун ўртача йилига 863156 сўм тежаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: спортчиларда психоэмоционал бузилишларни коррекция қилишда такомиллаштирилган рационал-эмотив ҳулқ-атвор психотерапияси шахс типологияси, вегетатив система ўзгаришлари, стрессга турғунлик ва когнитив сфера концентрациясига асосланган ҳолда олиб борилган (интровертлар учун шахс хусусиятларини фаоллаштирувчи, экстравертлар учун мўътадиллаштирувчи) психокоррекциянинг юқори даражадаги самарадорлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: психоэмоционал бузилишлар билан қийналаётган спортчиларда ушбу ўзгаришларни эрта муддатларда ташҳислаш, психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш ва меҳнатга лаёқатлиликни қисқа фурсатларда тиклаш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг 2024-йил 14- мартдаги №21-сонли буйруғи ва Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг 2024-йил 15-мартдаги 23 -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган психокоррекцион усулдан фойдаланиш спортчиларнинг руҳий фаолиятини яхшилаш, старт олди жанговар ҳолатга келиш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: спортчиларнинг мусобақа олди тиббий психологик тайёргарлик даражасини баҳолаш учун мўлжалланган психодиагностик текширувлар нархи Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида 1 та спортчи учун 170000 сўмни, психокоррекция учун 1400000 сўмни ташкил қилади. РСТИАМда 1 йил ичида бир федерациянинг ўртача 30 нафар спортчи тиббий психологик кўрикдан ўтиш белгиланади. Хулоса: спортчилардаги психоэмоционал бузилишлар хусусиятларига асосланиб, такомиллаштирилган психокоррекцион усулдан фойдаланиш, уларнинг руҳий ҳолатини мустаҳкамлашга ва юқори спорт натижаларига эришишга ёрдам беради. Бу учун федерация томонидан спорт психологлари ва спорт шифокорлари томонидан тиббий психологик текширувлар ва коррекция ишлари олиб борилса ҳар бир спортчи учун ўртача йилига 1570000 сўм тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Спортдаги муваффақиятларнинг психологик аспектлари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси йўналишида хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари таҳлил этилган, спортчиларнинг психоэмоционал статуси тўғрисида илмий-амалий адабиётлар ёритиб берилган. Замонавий тадқиқотлар доирасида спортчиларнинг мусобақа олди ҳолатида психоэмоционал бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг когнитив ва вегетатив системага таъсири муҳокама қилинди.

Диссертациянинг **«Спортчиларда психоэмоционал бузилишларнинг эмпирик ўрганилиши»** деб номланган иккинчи бобида клиник ва экспериментал-психологик текшириш усулларининг умумий тавсифини ўз ичига олган. Клиник текширишлар 2021-2023 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Қўмитаси қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ва Ўзбекистон Таэквондо Ассоциациясида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтган 64 нафар спортчиларда ва уларнинг амбулатор карталарида олиб борилди. Улардан 33 нафари эркак ва 31 нафари аёл спортчилардир. Назорат гуруҳ иштирокчилари 30 нафар Ўзбекистон Миллий Университети Таэквондо ва спорт факультети талабалари ҳисобланади. Когортани 18-27 ёшгача бўлган шахслар ташкил қилиб, уларнинг ўртача ёши 22,5±2,3. Диссертация мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб спортчиларда психоэмоционал бузилишлар даражаларини ва психокоррекция эффективлигини аниқлаш мақсадида асосий гуруҳ спортчиларини 2 кичик гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

1-гуруҳ: 32 нафар спортчилардан ташкил топган терма жамоа аъзолари.

2-гуруҳ: Заҳира жамоа аъзолари ҳисобланиб улар ҳам 32 нафар спортчидан иборат.

Тадқиқот икки босқичдан иборат: биринчи босқичда психоэмоционал бузилишларни аниқлаш мақсадида клиник-экспериментал, психодиагностик


текширувлар ўтказилди, иккинчи босқичда психоэмоционал бузилишлар психокоррекцияси индивидуал равишда олиб борилди ва қайта психодиагностик баҳоланди.

Психокоррекция мақсадида ҳар иккала гуруҳдаги спортчиларда ҳам рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапиясидан индивидуал равишда фойдаланилди. Психотерапевтик даво самарадорлигини баҳолаш психокоррекциядан олдин ва кейин ўтказилган психодиагностик текширувлар билан баҳоланди. Эксперимантал-психологик усуллар натижаларини таққослаш учун 30 нафар соғлом шахслардан иборат назорат гуруҳида ҳам психодиагностик текширувлар амалга оширилди.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртачанинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %), олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти ўртача катталикларни ўлчаганда Стьюдента мезони (t) ёрдамида хатолик эҳтимоли (P) ни ҳисоблаш билан тақсимот нормаллигини текшириб (эксцесс мезони бўйича) ҳисобланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун ишончлилик даражаси $p<0,05$ деб белгиланди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик мавжудлиги Пирсон корреляция коэффициенти r кўрсаткичидан фойдаланиб аниқланди.

Диссертациянинг **«Таэквондочиларда психоэмоционал бузилишларнинг таҳлил натижалари»** деб номланган учинчи бобида спортчиларда психоэмоционал бузилишлар ва унинг натижасида юзага келган когнитив бузилишлар, вегетатив дисфункцияларни ўрганиш имконини берган клиник-психологик текшириш натижалари келтирилган.

Тадқиқот ишидаги асосий вазифалардан бири бўлган таэквондочиларда ривожланган психоэмоционал бузилишлар структурасини аниқлашда “Спортчиларда психоэмоционал бузилишлар экспресс-диагностикаси” шкаласидан фойдаланилди 1-расм.




1-расм. Спортчиларда психоэмоционал бузилишлар экспресс-диагностикаси шкаласи кўрсатгичларини баҳолаш (%)

Натижалар таҳлилига кўра ҳар иккала тадқиқот гуруҳларида олинган натижалар енгил ва оғир даражали психоэмоционал бузилишлар кўрсаткичлари бўйича статистик ишонарли даражадаги фарқ ($p<0,05$) аниқланди, ўрта оғир даражали психоэмоционал бузилишлар эса иккала гуруҳда деярли тенг нисбатларда учради ($p>0,05$).

Назорат гуруҳида 28 нафар (93,3%) да енгил даражадаги психоэмоционал бузилишлар аниқланди. Психоэмоционал бузилишларнинг енгил ёки оптимал даражада бўлиши спортчи саломатлигига ва жисмоний фаолиятига салбий таъсирини кўрсатмайди.


Г.Айзенкнинг “Руҳий ҳолатини баҳолаш” методикаси бўйича хавотир кўрсаткичлари баҳоланганда қуйидаги натижалар қайд этилди 2-расм.



2расм. Айзенкнинг Руҳий ҳолатни баҳолаш тести бўйича хавотирнинг даводан олдинги кўрсаткичлари (%)


Асосий 1 - гуруҳ терма жамоа спортчиларининг 12 нафари (37,5%) да ва 2 - гуруҳнинг, яъни заҳира спортчиларининг 9 нафари (28,1%) да енгил даражадаги хавотир аниқланди. 1- гуруҳдаги 18 нафар (56,3%) спортчида ва 2- гуруҳдаги 15 та (46,9%) спортчиларда ўрта даражадаги хавотир қайд этилди. 1-гуруҳнинг 2 нафар (6,3%) ва 2- гуруҳнинг 8 нафар (25,0%) спортчиларида эса оғир даражадаги хавотирли бузилишлар аниқланди. Назорат гуруҳида фақат енгил, яъни оптимал даражадаги хавотир кузатилди.

Шу методика бўйича агрессия даражаси таҳлил қилинганда 1-гуруҳда 17 нафар (53,2%) да ўрта оғир (34,4%*) ва оғир (18,8%*) даражадаги агрессия аниқланган бўлса, 2-гуруҳнинг 22 та (68,8%) спортчиларида ўрта оғир (43,8%**) ва оғир (25,0%*) даражадаги кўрсаткич қайд этилди. Назорат гуруҳида ўрта ва оғир даражали агрессия кузатилмади (3-расм).



3-расм. Айзенкнинг Руҳий ҳолатни баҳолаш тести бўйича агрессиянинг даводан олдинги даражалари (%)

Психоэмоционал ўзгаришлар негизида спортчиларнинг фаоллигини белгиловчи психологик базавий тавсифларидан – шахс индивидуал хусусиятларига аҳамият бериш лозим. Шу мақсадида Г.Айзенкнинг темперамент сўровномасидан фойдаланилди. Олинган натижалар таҳлилига кўра: 1-гуруҳ спортчиларининг аксар қисмини 34,4% ва 31,3% сангвиник ва холерик шахс типи ташкил қилган бўлса, 2-гуруҳ спортчиларида 28,1%* (p<0,05) бир хил натижа билан меланхолик ва флегматик шахс типлари устунлик қилди. Бу эса 2-гуруҳ спортчиларида шахс типининг психоэмоционал бузилишлар кузатилишида аҳамиятли эканлигини англатади (4-расм).



4-расм. Г.Ю.Айзенк сўровномаси бўйича шахс типларини гуруҳлар орасида баҳоланиши

Назорат гуруҳ иштирокчиларининг 10нафар (33,3%) ни сангвиник, 6 та (20,0%) ни холерик, 8 та (26,7%) ни флегматик ва 6 та (20,0%) ни меланхолик шахс типлари ташкил қилди.

Психоэмоционал бузилишларнинг вегетатив системага таъсирини ўрганиш мақсадида Вейн анкетасидан фойдаландик. Ушбу сўровномага кўра 1-гуруҳдаги 23 нафар (71,90%) ва 2-гуруҳдаги 17 та (53,10%) спортчида нормал кўрсаткичлар қайд этилган бўлса, вегетатив дисфункция ҳолати 1-гуруҳдаги 9 нафар (28,10%*) ва 2-гуруҳдаги 15 та (46,90%*) спортчида аниқланди (*p<0,05; **p<0,01). Назорат гуруҳ иштирокчиларининг асосий қисмини яъни 29 нафар (96,6%) да нормал вегетатив ҳолат ва 1 та (3,3%) да вегетатив дисфункция ҳолати қайд этилди (1-жадвал).


1- жадвал

Таэквондочиларнинг Вейн анкетаси бўйича мусобақадан олдинги кўрсаткичларини гуруҳларларда тақсимланиши

Кўрсаткичлар	**1-гуруҳ**		**2-гуруҳ**		**Назорат гуруҳ**	
	абс	%	Абс	%	абс	%
Норма ҳолати	23	71,9±8,1*	17	53,1±9,0**	29	96,6±4,6
Вегетатив дисфункция ҳолати	9	28,1±8,1*	15	46,9±9,0**	1	3,3±4,6

Изоҳ: (*p<0,05) 1-гуруҳ ва 3-гуруҳ орасида; ** 2-гуруҳ ва 3-гуруҳ орасида.

Инсон доимий равишда юқори тайёргарлик стресс ҳолатида юрса, организми ҳам жисмонан, ҳам руҳан азоб чекиши ва ақлий қобилиятларнинг пасайиши, ҳусусан, когнитив функцияларнинг бузилиши кузатилиши мумкин. Биз тадқиқот ишимизда спортчиларниг стрессга турғунлигини баҳолаш мақсадида Шрайнер сўровномасидан фойдаландик (5-расм.)



5-расм. Шрайнернинг стрессга чидамлилик тести бўйича гуруҳларнинг даводан олдинги натижалари (%)

Тадқиқот натижаларининг ахамиятига кўра 1-гуруҳдаги 9 нафар (28,1%*) да ва 2-гуруҳдаги 11 та (34,4%**) спортчиларда ўрта даражадаги стрессга чидамлилик, хамда 1-гуруҳдаги 4 нафар (12,5%) да ва 2-гуруҳдаги 9 нафар (28,1%*) спортчиларда паст даражадаги стрессга чидамлилик қайд этилди. Назорат гуруҳ иштирокчиларининг барчасида юқори даражадаги стрессга чидамлилик кузатилди.

Тадқиқот ишида психоэмоционал бузилишларининг когнитив сфера функцияларига таъсирини ўрганиш мақсадида диққат концентрациясига баҳо берувчи-Крепелин сўровномасидан фойдаланлик. Унга кўра 1-гуруҳдаги 3 нафар (9,4%*) спортчиларда ва 2-гуруҳдаги 4 нафар (12,5%*) спортчиларда - ёмон даражадаги диққат бузилишлари борлиги, 2-гуруҳдаги 2 нафар (6,3%*) спортчида жуда яхши даражадаги диққат концентрацияси назорат гуруҳга нисбатан статистик ишонарли даражада кузатилди (*p<0,05) 2-жадвал.

2-жадвал

Диққат концентрациясининг даводан олдинги кўрсаткичлари

Диққатни концентрацияси		1 гуруҳ		2 гуруҳ		Назорат гуруҳ	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
Даводан олдин	жуда ёмон	0	0,0	2	6,3±4,3	0	0,0
	ёмон	3	9,4±5,2*	4	12,5±5,9*	0	0,0
	ўртача	10	31,3±8,3	14	43,8±8,9	0	0,0
	яхши	11	34,4±8,5	10	31,3±8,3	13	43,3±8,5
	жуда яхши	8	25,0±7,8	2	6,3±4,3*	17	56,6±8,8

Изоҳ: *-назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*p<0,05;)

Назорат гуруҳ иштирокчиларининг 13 нафар (43,3±8,8)ида яхши, 17 та (56,6±8,5) жуда яхши даражадаги диққат концентрацияси қайд этилди.

Тадқиқот ишимиз давомида спортчиларнинг умумий қон таҳлили лейкоцитар кўрсаткичларининг (Л.Гаркави бўйича) стрессга турғунликни ўзаро солиштириб баҳоладик. Унга кўра қоннинг лейкоцитар кўрсаткичлар натижалари бўйича қайси зонада эканлигига қараб таэквондочиларнинг стрессга турғунлик реакциясини аниқладик (3-жадвал).

3-жадвал

1-2-гуруҳ спортчиларнинг УҚТ лейкоцитар реакция кўрсаткичлари Л.Гаркави жадвали асосида

1-2 гуруҳлар	Лейкоцитлар сони (мм3)	Эозинофиллар	Таёқча ядроли нейтрофиллар	Сегмент ядроли нейтрофиллар	Лемфоцитлар	Моноцетлар	Мослашиш реакцияси
Эркаклар	6075±218,4	4,4±0,20	6,2±0,49	47,9±0,43	28,9±0,46	4,0±0,27	**Тинчлик зонаси**
Аёллар	5862,5±325,7	4,0±0,31	5,0±0,49	48,8±0,40	29,8±0,48	4,9±0,34	**Тинчлик зонаси**
P_1	**<0,001**	**<0,001**	**<0,05**	**<0,001**	**<0,001**	**<0,001**	
Эркаклар	8247,1±172,8	1,5±0,10	4,6±0,54	44,7±0,54	39,1±0,85	6,8±0,20	**Қўзғалиш зонаси**
Аёллар	7986,7±172,9	1,4±0,11	4,1±0,69	44,9±0,56	40,2±1,3	6,8±0,22	**Қўзғалиш зонаси**
P_2	**<0,001**	**<0,001**	**<0,05**	**<0,001**	**<0,001**	**<0,05**	

Яъни спортчилар организми учун оптимал муҳит бу тинчлик зонаси бўлиб, спортчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги учун хам мос келади. Кўрсаткичларнинг ушбу чегарадан четга оғиши (қўзғалиш зонаси, ўткир стресс ва сурункали стресс зоналарига ўтиши) спортчилар жисмоний руҳий ҳолатидаги салбий ўзгаришлардан далолат беради.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики Л.Х.Гаркави бўйича 1-гуруҳ спортчиларининг лейкоцитар кўрсаткичлари тинчлик зонасида эканлиги маълум бўлди, бу терма жамоаси иштирокчиларида стрессга бўлган реакция турғунлигини билдирса, 2-гуруҳ спортчиларининг лейкоцитар кўрсаткичлари қўзғалиш зонасида эканлиги маълум бўлди, бу стрессга турғунлик нисбатан пастлигидан далолат беради.

Тадқиқот ишимизда қоннинг биокимёвий кўрсаткичларидан кортизол ва магнийнинг даражаларига баҳо берганимизда 1-гуруҳнинг эркак спортчиларида кортизол гормони ўртача 355,7 ммол/лни, аёл спортчиларда бу кўрсаткич 422,3 ммол/л* ($p<0,05$) ни ташкил қилди. 2- гуруҳдаги эркак спортчиларида эса 517,6 ммол/л, аёл спортчиларда 499,3 ммол/лни ташкил қилди.

1-гуруҳ эркак спортчиларда магнийнинг ўртача кўрсаткичи 0,86 ммол/л ни ташкил қилган бўлса, аёл спортчиларида 0,82 ммол/л эканлиги қайд этилди.

2-гуруҳнинг эркак спортчиларида магнийнинг ўртача кўрсаткичи 0,67 ммол/л аниқланган бўлса, аёл спортчиларда 0,65ммол/л ни ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Спортчиларда мусобақадан олдинги ҳолатда кортизол ва магний кўрсаткичлари натижалари

	1 гуруҳ		2 гуруҳ		P_{1-2}	
	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
Кортизол 171-536 ммол/л	355,7±22,2	422,3±23,3*	517,6±20,4	499,3±225,5	<0,001	>0,05
Магний 0.6-1ммол/л	0,86±0,01	0,82±0,02	0,67±0,03	0,65±0,03	<0,001	<0,001

Изоҳ: *-эркакларни кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-р <0,05;)

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, 2-гуруҳ спортчиларида 1-гуруҳ иштирокчиларига нисбатан кортизол (стресс) гармонини қондаги кўрсаткичи норманинг юқори чегарасида эканлигини кўришимиз мумкин, бу заҳира жамоаси спортчиларида руҳий тайёргарликнинг етарли даражада эмаслигидан яъни турли салбий эмоционал ҳолатларнинг мавжудлигидан далолат беради. 2-гуруҳ иштирокчиларида кучли хавотирли ўзгаришлар сабабли магний микроэлементни миқдорини норманинг пастки чегарасида эканлигини кўришимиз мумкин. Бу заҳира жамоасидаги спортчиларда стрессга турғунликнинг етишмаслиги, хавотир ва агрессив эмоционалликка берилувчанликдан дарак беради.

Спортчиларда стрессга чидамлилик ва хавотирли бузилишлар ўртасида қуйидагича корреляцион боғлиқлик аниқланди: (5-жадвал).

5-жадвал

Стрессга чидамлик ва хавотир орасидаги корреляцион боғлиқлик

Хавотир		**Стрессга чидамлиликни аниқлаш**		
		юқори	**ўрта**	**паст**
1 гурух	**енгил**	0,25	-0,15	-0,29
	ўрта	-0,19	0,13	-0,15
	оғир	**-0,31**	-0,16	**0,68**
2 гурух	**енгил**	0,23	0,13	-0,39
	ўрта	0,18	0,24	-0,45
	оғир	**-0,45**	-0,42	**0,92**

Хавотирли бузилишларни оғир даражаси билан стрессга турғунликнинг паст даражаси ўртасида тўғри кучли боғланиш борлиги (r=0,68; r=0,92), аксинча хавотирли бузилишларни оғир даражаси билан стрессга турғунликнинг юқори кўрсаткичи ўртасида ўртача тескари боғланиш борлигини кўришимиз мумкин (r=-0,31; r=-0,45). Демак, спортчиларда хавотирли бузилишларни психокоррекция қилиш орқали стрессга чидамлилик кўникмасини шакллантиришга эришишимиз мумкин.

Тадқиқотимиз давомидашахс типи билан стрессга чидамлиликни корреляция қилганимизда сангвиникларда стрессга юқори турғунлик аниқланган бўлса (r= 0,64; 0,25;), аксинча меланхоликларда тезлик, чаққонлик етишмаслиги, эмоцияга берилувчанлиги боис асосан паст

даражали стрессга чидамлилик кузатилди (r= 0,85; 0,92;). Холерикларда эса ўрта даражали стрессга чидамлилик билан тўғри корреляцион боғланиш (r= 0,71; 0,72; 0,42;) борлигини кўришимиз мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

Стрессга чидамлик ва шахс типи орасидаги корреляцион боғлиқлик

Стрессга чидамлилик		ТЕМПЕРАМЕНТ			
		сангвиник	холерик	флегматик	меланхолик
1 гуруҳ	юқори	**0,64**	-0,49	0,60	-0,36
	ўрта	-0,49	0,71	-0,08	-0,22
	паст	-0,27	-0,25	0,21	**0,85**
2 гуруҳ	юқори	**0,25**	-0,38	0,54	-0,52
	ўрта	-0,10	0,72	0,42	-0,31
	паст	-0,28	-0,36	-0,33	**0,92**

Демак спортчиларни таэквондо спорт турига жалб қилишда спорт психологлари томонидан шахс типи ва характер акцентуацияси аниқланиб сангвиник ва нисбатан холерик шахс типлари кўпроқ жалб қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки таэквондо спорт тури тезлик, чаққонлик ва эпчиллик талаб қиладиган спорт турларидан бири саналади.

Тадқиқот вазифаларимиздан яна бири бўлган психоэмоционал бузилишлар ва когнитив сфера диққат концентрацияси орасидаги боғлиқликни ўрганганимизда қуйидаги натижаларга эга бўлдик: 2-гуруҳдаги оғир даражали хавотир аниқланган спортчиларда диққат концентрациясининг ёмон ва жуда ёмон кўрсаткичлари билан тўғри ўртача корреляцион боғланиш аниқланди (r=0,45; 0,44), аксинча енгил ёки оптимал хавотири бор спортчиларнинг диққати яхши ва жуда яхши кўрсаткичлар билан тўғри ўртача боғланиш ҳосил қилди (r= 0,33; 0,41) (7-жадвал).

7-жадвал

Хавотирли бузилишлар ва когнитив сфера орасидаги корреляцион боғлиқлик


Хавотир		Диққатни текшириш (Крепелин бўйича)				
		жуда ёмон	Ёмон	ўртача	яхши	жуда яхши
1 гуруҳ	Енгил	0,23	-0,25	-0,52	0,12	0,60
	Ўрта	-0,20	-0,15	0,59	-0,20	-0,51
	Оғир	0,50	0,38	-0,17	-0,19	-0,15
2 гуруҳ	Енгил	-0,16	-0,24	-0,27	**0,33**	**0,41**
	Ўрта	-0,24	-0,17	0,31	0,40	-0,24
	Оғир	**0,45**	**0,44**	-0,45	-0,39	-0,15

Демак спортчиларда психоэмоционал бузилишларни кучайиши билан улардаги когнитив сферадаги ўзгаришлар хам кучайиши мумкин экан.


Шу тариқа, мазкур тадқиқотда психоэмоционал бузилишлар аниқланган спортчиларнинг психологик структурасини шакллантиришда спортчилардаги психоэмоционал бузилишлар асосида улардаги когнитив функцияларидаги, вегетатив системаларидаги ўзгаришлар ва шахс типларининг тахминий механизмлари аниқланиб, бу аниқланган янги структура спортчиларга психологик ёрдам стратегиясини белгилашда асосий маркер бўлиб

ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Психоэмоционал бузилишларда психокоррекциядан кейинги натижалар»** деб номланган тўртинчи бобида психоэмоционал бузилишлар аниқланган спортчиларга психотерапевтик ёрдам кўрсатилгандан кейинги натижалари тақдим этилган (6-7-расм).



